

**Ижобий фикр билдирилган  
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

Tel +998 71 234 22 47  
Fax +998 71 234 91 05  
Web WWW.Uhy-uz.com

2018 йил "15" март

№ - 006 X

**"Gurlan paxta tozalash" АЖ га**

Аудиторлик ташкилотининг  
почта манзили:

Тошкент шаҳар Алиев кўчаси 72-уй.  
info @uhy-uz.com

Барча хўжалик юритувчи субъект  
ларда аудиторлик текшируви ўтказиш  
хукукини берувчи лицензия номери:

№ 00596. Ўз.Р АВ томонидан 20 феврал  
2008 йилда берилган

Давлат рўйхатидан ўтганлиги  
тўғрисида гувоҳнома:

№ 243. Ўз.Р АВ томонидан 9 январ  
2013 йилда берилган

Банк реквизитлари:

X/P 20 208 000 704 336 155 001 ОАИКБ  
"Ипак йўли" Сағбон филиали. МФО 01036  
ИНН 205082658. ХҲТУТ 84400

Аудиторлик ташкилоти раҳбари

Каримов Сарвархон Эсонович.

Мен, "UHY Tashkent" Аудиторлик ташкилоти аудитори Х. Р. Ибрагимов (Ўз. Р АВ томонидан 2016 йил 29 октябрда берилган № 05428-сонли малака сертификатига эга) томонидан 2018 йил 20 февралда тузилган 11-сонли шартномага асосан хўжалик юритувчи субъект **"Gurlan paxta tozalash"** Аксиядорлик Жамиятининг 2017 йил 31 декабр ҳолатига молиявий ҳисоботининг (Бухгалтерия баланси, Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи) ишончлилиги мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилди.

**Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги.**

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мукофик молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

**Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги.**

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз **"Gurlan paxta tozalash"** АЖ нинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазаларимизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

**Ижобий фикр**

Бизнинг фикримизча **"Gurlan paxta tozalash"** АЖ нинг 2017 йил 31 декабр ҳолатига молиявий ҳисоботлари барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молия-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққонийлик ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Аудиторлик ташкилоти даректори :-

Каримов С. Э.

Аудитор:-

Ибрагимов Х. Р.